

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 22 март, № 58 (7838) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЧИНАКАМ ХАЛҚ БАЙРАМИ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ, МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

**Кеча Тошкент шаҳридаги «Humo Arena» мажмуасида Наврўз байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди.**



*Ушбу муҳташам ва замонавий мажмуага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат вакиллари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ёшлар таклиф этилган.*

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев миллий қадриятларимиз, баҳор нафасини бахш этувчи ва юксак дид билан безатилган байрамона саҳна марказига ташриф буюрди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Президентимиз кўп миллатли халқимизни ушбу шукуҳли ва азиз айём билан қутлаб, байрам табригини йўллади, эзгу ҳамда самимий тилакларини изҳор этди.

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз азизларни, сизлар орқали кўп миллатли халқимизни шарқона янги йил — Наврўз байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Нуроний отахон ва онахонларимизга, ҳурматли ака-ука, мунис опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимиз, суюкли фарзандларимизга, хориждаги ватандошларимизга — бутун эл-юртимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаммамиз орзиқиб ва соғиниб кутадиган янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йили пандемия туфайли Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана қилиб, кенг нишонлай олмаган эдик. Ўшанда, бу ташвишли кунлар албатта ортда қолади, ҳали кўп тўй-томоша ва сайилларни халқимиз билан биргаликда ўтказамиз, деб эзгу ният қилган эдик.

Бугун ана шу орзу ва интилишларимиз рўёбга чиқмоқда. Гўзал ва жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончли кунлар бошланмоқда.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамоқда.

Халқимиз соғлиғини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимиз барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бекорга кетмаслиги учун пандемияга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беғамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, тўпланган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Шундагина меҳнаткаш халқимиз билан эзгу мақсадларимиз ва катта режаларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттира оламиз.

Бугун сизларнинг нурли чеҳрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Кўклам нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай тароватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азиз ватандошлар!

Пандемия бошланган биринчи кунларда мен халқимизга мурожаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эдим.

**Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз — меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда**.

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Мана шу машаққатли давр бизнинг бир-биримизга нақадар боғлиқ ва керак эканимизни яққол кўрсатди. Шунингдек, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз ҳаётий зарурат эканини тўла намоён этди. Биз фақат биргаликда, ҳамжиҳатликда буюк ишларга қодир эканимизни пандемия синовлари яна бир карра тасдиқлаб берди, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Албатта, коронавирус туфайли дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиатга, муқаддас заминга муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топмоқда.

Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тимсоли бўлган Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда.

Бу йилги Наврўзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик байрами тадбирлари ўтадиган йилга тўғри келмоқда.

**Наврўз — чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.**

Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улуғ айёмни қандай пок ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.

Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари — Янги кун наволари янграмоқда. Қир-адирларда мард ўғлонларимиз кўпкари чопиб, кураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгилар қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини ўзаро баҳам кўрмоқдалар.

Шундай шукуҳли ва бетакрор дамларда барчамиз тинч ва осойишта ҳаёт ҳамда хотиржамлик қадрини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Маҳалла тизими ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Мамлакатимизда илк бор нишонланаётган ушбу байрам яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат айёми — Наврўз тантаналари давом этаётган мана шундай шукуҳли кунда ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Маҳалла — асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз.

Айни пайтда юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди.

Шу боис биз кейинги тўрт йилда маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий қуйи бўғини сифатида қараб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу даврда соҳа ривожига доир **50 дан ортиқ** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, ҳар бир ҳудудда **“Обод ва хавфсиз маҳалла”** тамойилига асосланган янги тизим жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртимизда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, муҳтарам нуронийларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ташкил этилди.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ-тартибот, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий қилинди. Соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларнинг ойлик маошлари **3 баравар**га оширилди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари учун **“Маҳалла ифтихори”** кўкрак нишони таъсис этилди.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида **1 минг 163 та** маҳалла идораси янгидан қурилди, **3 минг 612 та**си реконструкция қилинди ва таъмирланди. **110 та** туман ва шаҳарда **“Маҳалла маркази”** мажмуалари барпо этилди, **4 минг 319 та** маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Соҳа ходимларининг жамиятимизда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, маҳалла фаолларининг пандемия даврида кўрсатган чинакам жонбозликлари, хусусан, синовли кунларда одамлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ғоят муҳим ва долзарб масалаларда давлатимизга мустаҳкам таянч бўлиб майдонга чиққанини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Жумладан, бу даврда маҳалла фаоллари томонидан **700 мингга яқин** фуқаронинг бандлигини таъминлаш, **60 мингдан зиёд** юртдошларимизни тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, имконияти чекланган **754 мингдан зиёд** оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатилганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Маҳаллаларда **ҳашар йўли билан 164 мингдан ортиқ** эҳтиёжманд оилаларнинг хонадонлари таъмирланиб, **1000 га яқин** камбағал оилаларга уй-жойлар қуриб берилгани, **10 минг** километрга яқин ички йўллар ва **644 та** кўприк таъмирлангани, **339 та** кўприк янгидан қурилгани, қарийб **2 минг** километр узунликда ичимлик суви тортилгани ва **1 минг 300 га яқин** насослар ўрнатилганида сизларнинг катта ҳиссангиз бор.

Жамиятда соғлом маънавий муҳит асосларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили маҳалла фаоллари кўмагида ажралиш ёқасига келиб қолган **21 мингга яқин** оила яраштирилгани, **16 мингдан зиёд** оиланинг нотинчлигига барҳам берилгани, **5 мингга яқин** маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани, намунали маҳаллалар сони **1 минг 704 та**га етгани албатта таҳсинга лойиқдир.

Азиз дўстлар!

Бугунги кескин ва шиддатли глобаллашув даврида юртимизда ўзаро аҳиллик ва тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Айни пайтда ушбу тизимнинг нуфузи ва фаолияти самарасини кучайтириш, уни фуқаролар ўз фикри ва дардини, таклиф-тавсияларини эркин айтадиган, муаммосига ечим топадиган чинакам халқчил идорага айлантириш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда: **“Бир болага етти маҳалла ота-она”**, деган гап бежиз айтилмаган. Фарзандларимизнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёш оилаларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида ушбу тузилманинг ролини янада ошириш, **“Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий”** тамойили асосида бошланган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш бугунги кун талабидир.

Маҳалла раиси фаол ислоҳотчи сифатида, аввало, замон билан ҳамқадам бўлиши, ўз билим ва малакасини доимий ошириб бориш ҳақида ўйлаши, **“Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон”** мезонларини ҳаётга татбиқ этиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш чораларини кўриши даркор.

Халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улуғвор мақсадга эришиш йўлида биз ислоҳотларни **маҳаллабай** асосда амалга ошириш, барча қишлоқ ва маҳаллаларимизни жадал ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратмоқдамиз.

Айни вақтда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”**га киритилган юртдошларимиз муаммоларини **хонадонбай** ҳал этишда, ҳеч шубҳасиз, маҳалла органлари муҳим ўрин тутади.

**“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало маҳалла тизимига, маҳалла фаоллари ва фидойиларининг улкан салоҳиятига таянамиз.

Биз маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Шу борада бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман:

**Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса — бутун жамият ўзгаради.**

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари!

Муҳтарам фахрийларимиз!

Халқ ишончини оқлаш, унга муносиб бўлиш — дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф ҳаммангизга насиб этсин!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор муборакбод этар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга файзу барака, масъулиятли ва серқирра фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, етакчи халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.**

**Қутловларда мамлакатимизда барқарор тараққиётни таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишларда эришилган салмоқли ютуқлар ва катта муваффақиятлар алоҳида қайд этилган. Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Ўзбекистоннинг анъанавий байрами Наврўз муносабати билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг қатъий раҳбарлигингиз остида кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жадал давом эттирилмоқда, давлатни ривожлантиришнинг барча йўналишларида ажойиб муваффақиятларга эришилмоқда, бундан эса Ўзбекистоннинг яхши қўшниси ва ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Хитой самимий қувонмоқда.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман ва Сиз билан биргаликда икки мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлида икки томонлама муносабатларни янги тарихий шароитларда узлуксиз ривожлантириб боришга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизга ва Ўзбекистон халқига Наврўз тинч, бахтли ва фаровон бўлишини тилайман.

Афғонистонда урушга чек қўядиган, барқарор ва дипломатик ечимни таъминлайдиган тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш борасидаги биргаликдаги ишларимизда Наврўз байрами бизга тинчлик ниҳоятда муҳим неъмат экани ҳақида эслатма бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда Ўзбекистон мустақиллигига 30 йил тўлади. Кейинги йилларда Сиз муҳим ислоҳотларни амалга оширдингиз ва менинг Администрациям бу муваффақиятни давом эттириш учун мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз, шунингдек, беш йил аввал Давлат котиби Жон Керри раҳбарлигида бошланган “C5+1” мулоқоти доирасидаги ҳамкорлик давом этишидан умидвормиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига шу янги йилда ва янги баҳор фаслида энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Наврўз муборак!

Ҳурмат билан,

**Жозеф Робинетт БАЙДЕН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Баҳор айёми — Наврўз муносабати билан илиқ қутловларим ва самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ёрқин ҳаёт бошланишидан дарак берувчи муқаддас Наврўз тақдири ва ўтмиши муштарак бўлган қардош халқларимизга омад ва равнақ олиб келсин.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги умумий маънавий қадриятлар ва дўстликка, стратегик шерикликка асосланган ўзаро манфаатли, кенг кўламли муносабатлар бундан буён ҳам жадал ривожланаверсин.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл олмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободеҳқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қутлаймиз. Ушбу қутлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризқу насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.

**Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродамиз билан биз кенг кўламлиислоҳотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажагини таъминлашга хизмат қиладиган, танлаган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.**

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўнлаб замонавий корхоналар, саноат ҳудудлари ва кластерлар, “IT-парк” ва технопарклар, транспорт-коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, кўркам боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очиб, жонажон диёримиз янада обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

Зеро, Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир.

Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-ҳунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, тураржойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бу борадаги ишларимиз “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да мазмун ва сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Мана шундай амалий ҳаракатларимиз келгусида янада кенгайиб, **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган олижаноб мақсадимизга албатта етамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Наврўз — инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўсту биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъзозлашга чорлайдиган улуғ байрамдир.

Ушбу қутлуғ айёмда турли низо ва адоватлар, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди.

Ана шундай беқиёс фазилатлари туфайли Наврўз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Наврўз юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини бир оиладек бирлаштирадиган гўзал байрамга айланди.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 21 март — Халқаро Наврўз куни деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу сананинг жаҳон миқёсида кенг нишонланиши унинг халқаро нуфузи ва аҳамияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мана шу нурафшон айёмда узоқ-яқин барча давлатларнинг халқларига, хорижий дўст ва ҳамкорларимизга эзгу табрик ва саломларимизни йўллаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Қадрли отахон ва онахонлар!

Муҳтарама опа-сингиллар!

Ҳурматли ака-укалар!

Азиз фарзандларим — навқирон ёшларимиз!

Қадимий ва гўзал байрамимиз — Наврўзи олам билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шарқона Янги йилимиз ҳар бир хонадонга, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, бахту саодат ҳамда файзу барака олиб келсин!

Илоҳим, жамики улуғвор мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимиз рўёбга чиқсин!

Ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин!

Азизларим, Наврўзи олам барчамизга, бутун халқимизга қутлуғ ва муборак бўлсин!

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва юртдошларингизни Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман.

Юксак маънавий қадриятларни ўзида мужассам этган ушбу файзли баҳорий байрам маънавий янгиланиш, бунёдкорлик ва уйғунликка чорлайди. Қалбларимизга илиқлик ва шодлик, бахт ҳисси ва ёрқин келажакка умид бағишлайди.

Бизнинг улуғ ва умумий меросимиз сифатида Наврўз Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлик, биродарлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, икки давлат стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу айём кунларида, муҳтарам Шавкат Миромонович, мамлакатингиз тараққиёти ва изчил ривожига қаратилган барча эзгу саъй-ҳаракатларингизга катта муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Наврўз ҳар бир хонадонга барака ва фаровонлик олиб келсин!

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович, азиз қардошим!

Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллашга ҳамда фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бутун инсоният бой маданий меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган Наврўз байрами табиат уйғониши, тириклик тантанаси ва баҳор гўзаллигининг рамзи ҳисобланади. Ўзаро ҳурмат, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик анъаналарини ўзида мужассам этган ушбу файзли байрам халқларимиз ҳамжиҳатлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ажойиб айём Сиз ва қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат, шодлик ва янги зафарлар олиб келсин!

Чуқур ҳурмат ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон аҳлини халқаро Наврўз байрами билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Аждодларимизнинг қадрли мероси бўлмиш қадимий Наврўз бугунги кунда Ер сайёрасининг турли бурчакларидаги миллионлаб одамлар учун баҳор, табиат уйғониши, ўзаро англашув ва ўзаро ҳурмат, бунёдкорлик ишлари ва эзгу ниятлар рамзи эканини таъкидлашдан мамнунман.

Аминманки, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари муборак Наврўзнинг барҳаёт анъаналарига таянган ҳолда бундан буён ҳам оғишмай ривожланиб боради, янги маъно ва мазмун билан бойиб, янада кенгаяди ва мустаҳкамланади.

Бугунги байрамона муҳитдан фойдаланиб, Сизга, азиз дўстим ва қардошимга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Ўзбекистон халқига эса — тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Наврўз муборак!

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон аҳлини баҳорий Наврўз айёми билан муборакбод этаман!

Аждодларимиз қадимдан ушбу байрамни яхши ўй ва эзгу ниятлар билан кутиб олганлар, келажакка умидларини Наврўз билан боғлаганлар.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликка асосланган стратегик шериклик халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига қатъий ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига халқларимизнинг бой миллий маънавий меросини ўзида мужассам этган Наврўз байрами муносабати билан самимий тилакларимни изҳор этаман.

Табиатни уйғотувчи, одамларга янги кайфият улашувчи ушбу баҳорий байрам ўзаро англашув, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этади.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Наврўзнинг эзгу қадриятларини юксак қадрлайдиган халқларимиз иродасига мувофиқ бундан буён ҳам кенгайиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Ушбу файзли айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизга муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Янги 1400 ҳижрий-шамсий йил ва халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон Республикаси халқига ўзимнинг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Афғонистон халқи қўшни мамлакатлар ва халқаро дўстлар билан биргаликда ушбу қутлуғ сана, қадимий анъанамиз ва муштарак маданий меросимиз бўлмиш Наврўз байрамини нишонлаётганидан хурсандман.

Наврўзи олам бир-бирига биродар бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик, бирдамлик, ҳамкорлик ва яқинликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда қадимий қадриятимиз сифатида инкор қилиб бўлмайдиган мавқега эгадир.

Табиатнинг ушбу кўркам айёми олиб келадиган тароват ва гўзалликка шукроналик билдирган ҳолда, дўстона алоқалар, муҳим минтақавий лойиҳалар ва дастурлар бўйича ишлар кенгайишига, иқтисодий ривожланиш ва якдиллик бардавом бўлишига тилакдошмиз.

Ушбу файзли байрам муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини яна бир бор муборакбод этган ҳолда, Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса бардавом бахт-саодат ва улкан тараққиёт тилайман.

**Ашраф ҒАНИ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Қадимий Наврўз, баҳор фасли ҳамда ҳижрий-шамсий 1400 йилнинг кириб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг улуғ халқини чин юракдан табриклашдан бениҳоя хурсандман.

Баҳор моҳир бир рассом каби табиат кўксига расм солиб, ернинг қалби ва руҳига тириклик ва янгиланиш нафасини бағишлаб, тароват ва яшиллик тасвирини Ер курраси узра ёймишдир. Умид ва қувонч бағишловчи ҳамда ғам-қайғудан халос этувчи меҳр-муҳаббатга тўла қадимий Наврўз янгиланиш ва янги қараш рамзидир.

Биз инсонлар ҳам табиат каби фасл янгиланиши билан қалбимиз ва руҳимизда баҳор кайфиятини жо этамиз, толиқиш ва холсизлик ғуборидан халос бўлиб, руҳ ва тафаккур тетиклиги ҳамда тан соғлиғи учун имкон ярата оламиз, деб умид қиламан.

Ўтган йилда бутун дунёда COVID-19 пандемияси тарқалиши ҳамда унинг кўплаб иқтисодий ва ижтимоий оқибатларининг гувоҳи бўлдик. Янги йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиб, коронавирус инфекцияси тарқалишини назорат остига олиш ва тўхтатишга муваффақ бўламиз, Наврўз эса халқларимиз учун янги бир даврни бошлаб беради ҳамда дунёнинг барча мамлакатларига қувонч, барака, соғлиқ ва осойишталик олиб келади, деб умид қиламиз.

Қодир Аллоҳдан Сиз Жаноби Олийларига, соғлиқ ва муваффақият, Ўзбекистон Республикаси халқига баракали ҳаёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Ҳасан РУҲОНИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Наврўз байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимизни йўллашдан беҳад мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Салмон ибн Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Сиз Жаноби Олийларига самимий саломларимни йўллаб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, оқилона раҳбарлигингизда биродар халқингизга тараққиёт ва равнақ ҳамда дўст мамлакатингизга юксалиш ва фаровонлик тилаб қоламан.

Наврўз байрами яқинлашиб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаган ҳолда жорий йил Сизга ва халқингизга хайр-баракот ва шоду хуррамлик олиб келишини тилайман.

Биродаримиз, Президент Жаноби Олийлари, бизларни бирлаштириб турувчи дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва шериклик муносабатларини халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожлантиришга тайёр эканлигимизни таъкидлаймиз.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Сизни Аллоҳнинг ўзи ҳифзу ҳимоясига олсин.

**Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари**
**Вице-президенти, Бош вазири,**
**Дубай амирлиги ҳокими**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Исроил халқи ва давлати номидан Сиз, оилангиз ва ўзбек халқини бахтли ва фаровон Наврўз байрами билан муборакбод этаман. Ўзбекистон Республикаси баҳорнинг мўл-кўлчилиги, дарёлар серсувлиги ва табиатнинг туганмас неъматларидан баҳраманд бўлишини тилайман.

Минг йиллар давомида Ўзбекистон ва Исроил халқлари табиатнинг уйғониши ва янгиланишидан дарак берувчи улуғвор баҳор фаслининг кириб келишини нишонлаб келганлар. Наврўз ва Фисиҳ байрамларини нишонлар эканмиз, қадимий ўтмиш ва аждодларимиз анъаналари мамлакатларимизни боғлаб туришда давом этади ҳамда икки томонлама муносабатларимизни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият ила,

**Реувен РИВЛИН,**
**Исроил Давлати Президенти**

Шунингдек,

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд АББОС**,

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол САУД,**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол НАҲАЁН,**

Евроосиё иқтисодий комиссияси ҳайъати раиси **Михаил МЯСНИКОВИЧ,**

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши Бош котиби **Бағдад АМРЕЕВ,**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Владимир НОРОВ** ва бошқалар табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# МЕҲР-МУҲАББАТ, ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ТАРАННУМИ

## Шукуҳ

***Наврўз — баҳор байрами, табиат янгиланиши айёми, янги йил, янги кун элчиси. БМТ Бош Ассамблеяси 21 март санасини Халқаро Наврўз куни дея белгилаб, барча мамлакатларни ушбу қадимий байрамни бутун дунёда оммалаштиришга ҳисса қўшишга чақирган бўлса, ЮНЕСКО томонидан номоддий бойликлар рўйхатига киритилган.***

***Ўзбекистонда яшаб иш олиб бораётган, Наврўзни қардошлари орасида кутиб олаётган хорижликларнинг фикрларини ўқир экансиз, Наврўз чин маънода дунё халқларини бирлаштираётган, юракларига ишонч ва масрурлик туйғусини солаётган улуғ айём эканига яна бир бор амин бўласиз.***



**Ҳусайн КАБА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди (Туркия):**

— Наврўз — янги кун деганидир. Яъни узун ва совуқ қиш мавсумидан кейинги мудроқ уйқудан уйғониш, янги ҳаёт бошлаш демак. Бизда, Туркияда Наврўзнинг нишонланиши билан боғлиқ кўплаб ривоятлар бор. Улардан бири турк халқининг хазиналаридан саналган “Арганакон” достонида ифодаланган.

Унда келтирилишича, турк султони уруш вақтида айнан Нуҳ тўфонида бўлгани каби ҳайвонлардан бир жуфт-бир жуфт олиб, йўлни йўл демай, тоғлар орасидан ўтиб, бир водийда қўним топади. Ва у ерда 400 йилдан ортиқ муддат кун кечиради. Кейинчалик бу одамларнинг авлодлари аждодлари айнан қаердан келганини билиш мақсадида изланишга тушадилар. Қарасалар, тўрт томон тоғ, чиқишга йўл йўқ. Қурултой чақиришиб, бу ердан чиқиш чорасини излайдилар. Оқсоқоллардан бири икки тоғнинг ораси темир билан ёпилганини, уни эритиш таклифини киритади. Турклар темирни эритишади ва чиқиб ўз заминини топишади ҳамда ёғийлардан қайтариб олишади. Туркларнинг ўз ерларига чиққан куни — 21 март Наврўз дея қабул қилинган. Туркияда ҳам давлат томонидан ушбу сана расман байрам сифатида эълон қилинган.

Мана, икки йилдирки, Ўзбекистонда яшамоқдаман. Бу ернинг ҳавоси, одамлари менга ёққани учун оиламни ҳам чақирдим. Улар мамлакатингизда истиқомат қилаётганидан хурсанд. Ўзбекистонга келгач, Наврўз байрами билан боғлиқ кўп манбалар ўқидим, интернет орқали видеолавҳалар томоша қилдим. Қарангки, ушбу байрам билан боғлиқ удумларимизда, қадриятларимизда яқинликлар кўп экан. Бу йил ҳам Наврўз кунлари байрам сайилларида иштирок этдик, қардошларимиз шодлигига шерик бўлдик.



**Асланий МУҲАММАДРИЗО, Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси (Эрон):**

— Наврўз нафақат ўзбек халқи, балки кўплаб Осиё халқлари томонидан беш минг йилдан ортиқ вақтдан буён кенг нишонлаб келинаётган байрам ҳисобланади. Наврўз баҳор ташриф буюриши билан, аввало, кўнгилларга кириб келади.

Наврўз Эронда — баҳорий янгиланиш, муҳаббат тараннуми, унумдорлик ва дўстлик байрами сифатида кенг нишонланади. Қадимда ушбу байрам 13 кун давом этган. Байрамнинг охирги кунида одамлар далаларга чиқишган ва Янги йилни қарши олганлар. Наврўзда далага чиқиб, табиатдан завқ олган одамга йил давомида омад ва бахт кулиб боқишига ишонишган.

Бу анъана ҳозир ҳам Эронда сақланиб қолган бўлиб, бу ерда байрам 13 кун давомида нишонланади, шулардан 5 куни Наврўзни кутиб олиш ва яқин қариндошлар ҳамда дўстларни бориб кўришга ажратилади. Наврўз арафасида эронлик аёллар гулхан устидан сакраб ўтишади, шаҳарларда эса қизил либосларга бурканиб олган актёрлар пайдо бўлади ва одамлар анъанага кўра, юзларини қора бўёқ ёки куяга бўяб оладилар. Бундан ташқари, Эронда “ҳафт син”, яъни “с” ҳарфидан бошланадиган етти хил ноз-неъмат билан дастурхон безатилади.

Ўзим эса мана, уч йилдирки, Ўзбекистонда яшайман. 2019 йили Наврўз байрамида қатнашиб шуни сездимки, ўзбек халқининг Наврўзи Осиёнинг бошқа давлатлари байрамларидан ажралиб туради. Унда меҳр-муҳаббат, қадрият ва анъаналарнинг ўзгача жозибаси бор.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ЧИНАКАМ ХАЛҚ БАЙРАМИ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ, МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир. Бутун олам, ер юзи уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродамиз билан биз кенг кўламли ислоҳотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажагини таъминлашга хизмат қиладиган, танлаган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Наврўз — шарқона янги йилнинг бошланиши. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, саховат, тинчлик ҳамда фаровонлик рамзи ҳисобланган ушбу шодиёна қалбларимизга олам-олам қувонч ва унутилмас лаҳзаларни муҳрлаши, оилаларга ризқ, қут-барака олиб келиши билан ҳам янада тароватли. Бутун борлиқ, она табиат "кўз" очиб, ён-атроф яшилликка бурканган, кўнгилларда эзгу ниятлар куртак ёзаётган ана шундай фараҳбахш дамларда мазкур бебаҳо айёмни чиндан-да орзиқиб кутганимизни англаб етамиз.

Ўзбекистондаги янгиланишлар, туб ислоҳотлар фаровонлик ва файзу баракани ўзига хос ифодаси, албатта.

Хурсандчилигимизнинг яна бир сабаби шуки, бу йил жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллиги кенг нишонлаймиз. Ўтган йилларда эришилган ютуқларимиз бугунги фаровон турмушимиз, қолаверса, буюк келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Қўлга киритилган улкан муваффақиятлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётганини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Карнай-сурнай садоси янграб, байрам тантаналари бошланди. Шўх-шодон куй-наволарда Ватан таровати ва гўзаллиги васф этилди. Оҳангларга уйғун ҳолда муҳташам саҳнада ўрнатилган улкан мониторларда серқуёш диёримизнинг фусункор манзаралари, қишдан чиқибоқ очилган чаманзорлар жамоли, шошқалоқ жилғалар акс этган лавҳаларни кўриб, беихтиёр осмони мусаффо, замини ҳосилдор, суви зилол, тупроғи табаррук мана шундай тинч ва жаннатмонанд ўлкада яшаш бахтини яна бир бор ҳис этасиз, гўё.

Сўнгги йилларда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларимиз ўз натижаларини беряпти. "Ақлли" корхоналар, янги уй-жойлар, илм ва маданият масканлари қурилиб, шаҳар ҳамда қишлоқлар обод бўлиб бораётир. Нафақат марказларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам қад ростлаётган замонавий бинолар, тураржойлар, таълим масканлари, спорт мажмуалари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан далолат.

Мана шундай янгиланишлар, мустақил Ўзбекистонимизнинг босиб ўтган йўлида эришилган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ҳамда марралар, турмушимиз фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб бораётгани чуқур ҳамда пухта ўйланган мақсад-муддаолар, бошқача айтганда, биз танлаган тараққиёт йўлига нақадар мос эканининг тасдиғи ҳамдир.

Биргина ўтган йилда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича барча соҳада ислоҳотлар изчил давом эттирилди. Хусусан, республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо қилинди.

Кейинги йилларда тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилмоқда. Ўтган йили уларга 100 триллион сўм кредит ажратилди. Бу 2016 йилдагига нисбатан қарийб 4 баробар кўп, дегани.

Жорий йил Президентимиз таклифи билан юртимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб номланди. Бундай эзгу ташаббус халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ёшлар эртамиз эгалари, соғлом фарзандлар эса оила қувончи, жамият таянчидир. Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларни амалга оширишда Юртбошимиз томонидан тасдиқланган йил дастурининг ўрни беқиёс.

Жорий йилда 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ҳамда моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилиши, қолаверса, юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 197 та мактаб фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бебаҳо бойлик бўлмиш саломатликни муҳофаза қилиш мақсадида жорий йилдан эътиборан 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситаларини бепул тарқатиш, бу жараён билан бу йил 11 миллион нафар, келгуси йилда 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади. Ушбу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши назарда тутилган.

Юртимизда аҳолининг барча қатлами, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ҳамда касб-ҳунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, тураржойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ, албатта. Зеро, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг барчаси Наврўзнинг моҳиятида мужассам бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва ободлик қадриятларига ҳам мосдир.

Президентимиз халқимизга йўллаган байрам табригида қайд этганидек, бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз — меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.

Халқимизнинг жипслиги, бирдамлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлиги туфайли янги Ўзбекистонимиз йилдан-йилга ривожланиб, нафақат республикамиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилаётир.

Наврўз эзгу тантаналар шодиёнаси, шу билан бирга, яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик айёми ҳамдир. Шу маънода, ўтган давр давомида улкан дастур ҳамда лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Масалан, биргина пойтахтимизда янги йўналишдаги метро станциялари ҳамда илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди. "Tashkent City", Адиблар хиёбони, "Ҳумо арена" мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига ўзгача жозиба бағишлаб турибди. Ҳудудларда қад ростлаган ва қурилиши изчил давом эттирилаётган замонавий тураржойлар, ижтимоий объектлар, равон йўллар, ҳеч шубҳасиз, бу юртимизда олиб борилаётган энг муҳим воқеалардан бўлиб қолади.



Тадбирда таъкидланганидек, инсон қадри улуғланган, хайру саховатли, меҳр-мурувватли элдан барака кетмайди. Бу ҳаётий ҳақиқат ўтган йилларда амалга оширилган савобли ишларда ҳам кўзга яққол ташланади. Хусусан, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлиги биринчи марта тан олиниб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Ҳудудларда, айниқса, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги — "темир дафтар", шунингдек, "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" тизими жорий этилди. Маҳаллабай, хонадонбай ишлаш механизмига ўтилди. Қисқа муддатда ушбу тизим орқали минг-минглаб фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига катта миқдорда имтиёзли кредит ҳамда субсидия ажратилаётгани ҳам аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги йўналишига айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Халқимизнинг суюкли ва ардоқли айёми — Наврўзни экин-тикин мавсуми ҳам дейишади. Бинобарин, фермерларимизу боботдеҳқонларимиз айни шу кунларда яхши ниятлар билан ерга уруғ қадаб, ҳосилнинг баракали бўлиши йўлида саъй-ҳаракатларга астойдил киришади. Эзгу мақсадли миришкорларимизнинг фидокорона меҳнати ҳамда омилкорлиги туфайли ҳар йили мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Соҳада татбиқ этилаётган янги усуллар, яъни кластерлар тизимига ўтилаётгани эса айни муддао бўляпти.

Мисол учун ўтган йили мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда 500 га яқин кластер ҳамда кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Бундан ташқари, 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Булар бозорларимиз мўл-кўллигини таъминлаш билан бирга, оилаларимизга қут-барака киритаётир.

Эркин ва обод юртимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ҳамда ҳаёт сифатини юксалтириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда. Халқаро экспертлар талқинига кўра, мамлакатимиз яна кўплаб кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришишда давом этмоқда.

Саҳнада ана шундай улкан муваффақиятлар, қўлга киритилаётган салмоқли натижалар турли бадиий гуруҳлар чиқишлари орқали намойиш қилинди. Дилбар хонишларда Ватан, ободлик, тинчлик, осуда ҳамда саодатли ҳаёт улуғланди. Бахтли авлод вакиллари — болажонлар эса беғубор орзуларни, ҳаёт нашидасини баралла куйлашди. Наврўз тантаналарида жўшқинлик, ёшлик, шижоат тараннум этилган куй-қўшиқлар барча-барчани рақсга чорлади.



Дарҳақиқат, тадбирда таъкидланганидек, ўтган йили пандемия туфайли Наврўз байрами тантанали равишда кенг нишонланмаган эди. Шукрки, бугун ташвишли ва синовли кунлар ортда қолиб, тўй-томоша ҳамда байрам сайилларини халқимиз билан биргаликда ўтказиш, бу борада қилган эзгу ниятларимиз, орзу ва интилишларимиз рўёбга чиқаётир. Жонажон юртимизда яна қувончли кунлар бошланмоқда. Аммо коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилмади, пандемияга қарши курашишни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслик, бепарволик ҳамда беғамликка берилмаслик зарур. Шу маънода, юртимиз узра ушбу миллий байрам пандемия қоидаларига риоя этган ҳолда нишонланди.

Аслида, эрта баҳорда табиат ўзининг кўрку чиройи, уйғониши билан инсон феъл-атворию хатти-ҳаракатларига ҳам ижобий таъсир қилади. Буни айни кунларда ватандошларимизнинг ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирларига астойдил бел боғлаб, амалга ошираётган хайрли ишларидан ҳам яққол сезиш мумкин.

Наврўзи олам нафақат янгиланиш ва яшариш айёми, шу билан бирга, она Ватанга наф келтириш, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдек улуғвор ниятларни рўёбга чиқариш тантанаси сифатида ҳам қадрлидир.

Ушбу байрам муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудида бўлганидек, пойтахтимиз кўчалари, маҳаллалари ҳам кўркам қиёфа касб этган. Хусусан, "Humo Arena" мажмуаси ҳам айёмга хос тарзда безатилган.

Муаззам мажмуа бўйлаб турли баҳорий ноз-неъматлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиши ташкил этилган. Сумалак, ҳалим, кўксомса сингари Наврўз таомлари тайёрланган. Сочларига гулчамбар таққан қизалоқлар табассуми, миллий либослар — дўпписию чопони, белбоғи ўзига ярашган йигитлар суҳбати, бугунги дориламон кунларга етказгани учун шукроналар айтаётган нуроний отахону онахонлар сўзида Ватанга бўлган юксак муҳаббат мужассам. Буларнинг барчаси янги

## Мухбиримиз Наврўз байрами тантаналарида қатнашган айрим ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротларини ёзиб олди:

**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Уч минг йилдирки, Наврўз байрами халқимизнинг миллий анъаналари, қадрияти ва урф-одатларини ўзида мужассам этиб келмоқда. Ушбу айёмнинг энг яхши фазилатларидан бири шундаки, яқинларимиз ҳолидан хабар олиб, керак бўлса уларга моддий ва маънавий кўмак беришимизга туртки бўлганлигидир.

Президентимиз ўз байрам табригида юртимизда аҳолининг барча қатлами, аввало, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда бу борадаги ишлар янада изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Биз, халқ вакиллари ҳам байрам арафасида ҳудудларда, хусусан, Андижон шаҳри ва Қўрғонтепа туманида бўлиб, сайловчилар билан учрашдик, уларнинг муаммоларини ўргандик. Аксарият масалалар ижобий ҳал этилиши уларга байрамона кайфият улашди. Учрашувимиз давомида шуни ҳам англадикки, уларнинг бугунги ислоҳотлардан кўнгли тўқ. Эртанги кунга ишончи баланд.

Ташрифимиз давомида маҳаллаларда бошланган кўклам шодиёналарида ҳам иштирок этдик. Дошқозонда қайнаётган сумалак, бир-биридан ширин баҳор таомлари, эгнига атласу адрас ярашган, белидаги шойи белбоғини маҳкам боғлаган йигит-қизларнинг саҳна чиқишлари, айтишуву лапарлари бизнинг-да қалбимизга байрамона кайфият улашди. Ҳар бир кунимиз ана шундай шоду хуррамликда, хурсандчиликда ўтсин. Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин, деймиз.

**Убайдулла МУНАВАРХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги "Беҳизор" МФЙ раиси:**

— Давлатимиз раҳбарининг Наврўз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригини катта ҳаяжонла тингладим. Албатта, маҳалла — миллий қадриятларимиз бешиги. Наврўз ҳам миллий қадриятларимиздан биттаси. Шу боис бизнинг маҳалламизда ҳам баҳорий таомлар тайёрланиб, айём кенг нишонланди.

Шодиёна арафасида янги маҳалла идорасига кўчиб ўтдик. Яқинда ўтказилган ҳашарда турли манзарали ва мевали дарахтлар экдик, уларга шакл бердик. Байрамни юқори савияда кутиб олиш учун барча чорани кўрдик.

Бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганидек, маҳаллабай ишлаш тизими ўз самараларини беряпти, деб айта оламан. Нега деганда, мана шу янгича ёндашув орқали аҳоли муаммолари чуқур ўрганилиб, бандликни таъминлаш, ижтимоий кўмакка муҳтожларга манзилли ёрдамлар кўрсатиляпти.

Сал олдин маҳалламизга ҳомий вазирлик ва ташкилотлар томонидан 10 та тикув машинаси берилди. Бу "аёллар дафтари"га киритилган ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз қариялар, нуронийлар ҳолидан хабар олинди. Албатта, бу борадаги ишларни янада тизимли давом эттиришимиз лозим. Зеро, маҳалла — эзгу урф-одат ва анъаналар бешигидир.

**Орзигул АБДУРАҲМОНОВА,**
**Чирчиқ шаҳридаги "Сўғдиён" тожик миллий-маданий маркази раҳбари:**

— Наврўзи олам халқимизнинг суюкли ва ардоқли айёмидир. Бугунги тантана шодиёнасида иштирок этганимдан ғоятда бахтиёрман. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидладики, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари аҳил ҳамда иноқ умргузаронлик қиляпти. Ўтказилаётган байрамлар ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Файзу барака ҳам аслида шунда.

Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам байрам муносабати билан "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида турли маданий тадбирлар уюштирдик. Уларда дўстлик, ўзаро ҳамкорлик нашидалари тараннум этилди.

Ўйлайманки, Наврўз айёми барчамизнинг хонадонларимизга шодлигу қувонч олиб киришда, Ўзбекистон эса бундан-да гуллаб-яшнашда давом этаверади.

**Гуландом СУБҲАНОВА,**
**"Сурхонцементинвест" хорижий корхонаси вакили:**

— Бугун ҳамма-ҳамма — ёшу қарининг юзида кулги, табассум. Байрамона кайфиятда. Чунки бугун Наврўзи оламни катта тантаналар остида нишонлаяпмиз. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик эвазига. Ҳар йили янгиланиш ҳамда яшариш — Наврўз байрамини интиқиб кутамиз.

Юртбошимиз ўз табригида кучимиз бирлик ва аҳилликда, қудратимиз эса меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ҳамда саховатда эканини алоҳида айтиб ўтдилар. Бундан жуда таъсирландим. Ҳақиқатанам, ўзбек халқи — бағрикенг, енгилмас, қудратли халқ. Юртимизда пандемия бўлишига қарамай, катта-катта ютуқларга эришдик. Кўплаб корхоналар сингари бизда ҳам иш тўхтаб қолгани йўқ. Бу давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган улкан имкониятлар натижаси, деб биламан.

Маҳалламизда сумалак ва бошқа баҳорий таомларни тайёрлаб, қўни-қўшниларга, боқувчисини йўқотганлар ҳамда ёлғиз кексаларга улашиш яхши урфга айланган. Бу йил ҳам ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда, қатор хайрли ишларни амалга оширдик. Зеро, бизнинг юртимизга байрамлар ярашади.

**Мадина НОРЧАЕВА,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:**

— Наврўзни ҳамма яхши кўради, лекин шеъриятга, санъатга ихлос қўйган кишиларнинг унга меҳри жуда баланд бўлади. Ўзим ёшлигимда баҳор, Наврўз ҳақида ёдлаган шеърларимни сумалаклар қайнаб турган катта дошқозон ёнида айтиб берганимда маҳалламиз аёллари "Зулфиядай шоира бўлгин, қизим" деб бағриларига босишар эди. Мана қаранг, Наврўз кунлари айтилган ниятлар ижобат бўлиб, "Кафтдаги йўл" номли шеърий тўпламим чоп этилди. Энг қувонарлиси эса ўтган йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим.

Пойтахтимизда нишонланаётган Наврўз тантаналарида иштирок этар эканман, юрагимни эзгу орзу-ниятлар чулғаб олганини ҳис қилиб турибман. Шу азиз Ватаним учун, унинг истиқболи учун бор билим ва салоҳиятимни, куч-қудратимни сарфлашда бурчли эканимни яна бир карра англаб етдим.

Наврўз ижодкорларга илҳом манбаи. Менинг ҳам ҳис-туйғуларим шу фаслда беихтиёр ашъорларга айланганини сезмай қоламан. "Қалдирғочман" шеърим ҳам Наврўзи олам фусункор сепини олам узра ёйган кезларда юрагимда зоҳир бўлган:

*Қаро қошларингни этдим зиёрат*
*Умрингни қайсидир айёмида жим.*
*Қақроқ лабларингда унсин деб оят*
*Сенга баҳорларни етаклаб келдим...*

Юртдошларимга гўзал ва назокатли айём — Наврўзи олам муборак бўлсин, деб қоламан.

...Наврўзни миллий урф-одат ҳамда қадриятларимизни ифодаловчи кўзгу ҳам деймиз. Бу шодиёна тадбирида яққол намоён бўлди. Ёш истеъдод эгалари, ёғоч от ўйнатувчилар ҳам ўз иқтидорларини кўрсатишди. Ватан ва мустақиллик, тинчлик ҳамда дўстлик қўшиқ, мусиқа ва рақсларда баралла мадҳ этилди. Тароналар, байрам жозибаси дилларга битмас-туганмас шодлик улашди. Наврўз таровати бутун юрт узра, қалблардан-қалбларга кўчиб юраверади.

Зеро, Президентимиз Алишер Навоий бобомизнинг ушбу сатрларини қайд этиб ўтганидек:

*Ҳар тунинг қадр улубон,*
*Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.*

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Наврўзга бағишланган тантанали маросимдан сўнг байрам сайлида ҳам қатнашди. Сайилга йиғилган одамлар билан суҳбатлашиб, уларни қутлуғ айём билан табриклади.

Нуронийлар Яратгандан байрам қутлуғ келиб, ҳосиллар мўл, ризқу насибамиз кўп бўлиши, келаси Наврўзларга ҳам тинчлик-фаровонликда етказишини сўраб дуога қўл очдилар. Президентимиз миллий маданият марказлари, фольклор-этнографик жамоалар чиқишларини кузатиб, ёш ижрочиларга доим ўқиш ҳамда изланишда бўлиш кераклигини таъкидлаган ҳолда, уларга ижодий муваффақиятлар тилади.

Наврўз сайиллари пандемия талабларига риоя этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Алихон УТАРБЕКОВ олган суратлар.

## 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари куни

# СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ, УНИ ИСРОФ ЭТИШ — ГУНОҲ

*1993 йилдан буён БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан мазкур ташкилотга аъзо давлатларга йилига бир маротаба жаҳон жамоатчилиги диққатини сув ресурсларини муҳофаза қилишга қаратиш таклифи билдирилиб, 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари куни сифатида нишонлаб келинмоқда.*

*Авваламбор, сувни ҳаёт манбаи дейдиган бўлсак, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, айниқса, уни саноат, қишлоқ хўжалиги, коммунал соҳаларда ишлатишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ниҳоятда зарурдир.*

Маълумотларга кўра, Ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг атиги 2 фоизи истеъмолга яроқли, холос. Айни пайтда жаҳон бўйича 1,2 миллиард нафар киши тоза ичимлик сувига муҳтож бўлиб, сўнгги 40 йил ичида дунёда киши бошига тўғри келадиган чучук сув миқдори 60 фоиз камайган. Яқин 25 йил ичида бу кўрсаткич яна 2 баробар камайиши тахмин қилинмоқда.

Айтиш жоизки, республикамизнинг асосий сув таъминоти, шу жумладан, экинларни суғориш 55 га яқин сув омборлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг сув ресурслари миллий бойлигини 500 та табиий кўл ҳамда 1 448 та булоқ ташкил этади.

Ушбу рақамларни вилоят миқёсида келтирадиган бўлсак, асосан, қишлоқ хўжалиги, саноат ва энергетика тармоқларида ишлатиладиган сув ресурсларининг 70 фоизи трансчегаравий дарёлар орқали олиб келинади. Бунга мисол, қўшни Туркманистон давлати ҳудудидан ўтувчи Амударёдан 80 км. масофада Қарши насос станциялари каскадидаги йирик 6 босқичли насос станциялар 132 метр баландликка сувни чиқариб, ҳудуддаги 336 минг гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, саноат ва энергетика ташкилотларига йилига 4-4,5 миллиард метр куб ҳажмда сув етказиб беради.

Ушбу соҳани янада ривожлантириш, вилоятда юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 май куни қабул қилинган қарори билан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали ташкил этилгани ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.

Қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш учун қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш энг тез натижа беришини ҳисобга олиб, ҳар гектар ердан олинадиган даромадни икки баробарга етказиш устувор вазифа қилиб қўйилиши, қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ҳамда биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сувга бўлган талабнинг ортишини, республикада ишлатилаётган сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келишини инобатга олган ҳолда, сув ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш ҳамда сув тежовчи технологиялар қўллашни жадаллаштириш бугунги кундаги энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда Қарши магистраль канали ирригация тизими бошқармасига қарашли Қарши гидроузелида вилоятдаги сув хўжалиги ташкилотлари ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали ҳамкорлигида сана муносабати билан "Сув қадри" мавзуида танлов ўтказилди. Бутунжаҳон сув кунини нишонлаш доирасида ўтказилаётган тадбирлардан — фотосуратлар, видеолавҳалар танловлари ва инновацион сув технологиялари кўргазмаларидан кўзланган мақсад бугунги кунда республикадаги экологик ҳолатни, айниқса, ичимлик суви ҳамда суғорма сувлар танқислигини ёшлар онгига етказиш, бу соҳада уларнинг фикрини билиш, хулоса чиқаришдан иборат.

**Илҳом ҚУРБОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## «Халқ сўзи» учун махсус

# Польша телевидениеси ўзбек фильмларига бағишланган кўрсатув намойиш қилди

*Польшадаги етакчи оммавий ахборот воситаларидан бири — POLSAT телеканали эфирга узатадиган "Colours of Azia" ("Осиё ранглари") дастурининг навбатдаги сони машҳур ўзбек фильмларига бағишланди.*

Дастурда ўзбек кинематографиясининг дурдона асарлари, хусусан, Йўлдош Аъзамов, Шуҳрат Аббосов, Дамир Салимов ва бошқа таниқли кинорежиссёрлар томонидан суратга олинган фильмларнинг мазмун-моҳияти польшалик киношунослар томонидан таҳлил қилинди.

Хусусан, киношунос Анжей Лютер "Ўтган кунлар", "Маҳаллада дув-дув гап", "Шум бола" ва "Мафтунингман" сингари унутилмас фильмларнинг тарихи ҳамда суратга олиш жараёнлари ҳақида батафсил гапириб берди.

Ушбу ўзбек фильмларининг барчаси 20 асрнинг иккинчи ярмида суратга олинган, бироқ ҳозирги кунгача улар Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларидаги кино ихлосмандлари томонидан мириқиб томоша қилинади.

Польшалик киномутахассис ушбу фильмлар ҳозирги кунга қадар польяк тилига таржима қилинмаганини афсус билан таъкидлади. "Ишончим комилки, ушбу ўзбек фильмлари польяк томошабинларида ҳам катта қизиқиш уйғота олади", деди у.

Ўзбек фильмларининг ўзига хос муҳити, улардаги қаҳрамонларнинг характери, ўзбек жамияти турмуш тарзининг ўзига хослиги, фильмлардаги миллий ҳазил-мутойибалар, шу билан бирга, драматик саҳналар ўзбек кинорежиссёри ва актёрларининг кўп қиррали ҳамда ноёб истеъдодидан дарак беради.

Кўрсатув иштирокчилари турли мамлакатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг кино санъати ва маданияти билан танишиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Бугун замонавий ўзбек киноси вакиллари томонидан қизиқарли ҳамда чуқур мазмунли фильмлар суратлар олинаётгани маълум қилинди.

**«Дунё» АА.**
Варшава

■ **Китоб жавонингизга**

# «Ўзбекистон — дилбар Ватаним»

*Абдулла Орипов. Юртимизда бу номни эшитмаган ёхуд шоир шеърларини ўқимаган одам бўлмаса керак. Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг бетакрор ижодий мероси юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб борган, десак, айни ҳақиқат.*



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида юртимизда улуғ шоир таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлаш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, шоир умри унга аталган бағишловларда ҳам янада абадийлашиб бораётир, десак, асло муболаға эмас. Жумладан, яқинда "Академнашр" томонидан Акмал Саидов, Қаландар Абдураҳмонов, Ғулом Мирзо ҳаммуаллифлигида чоп қилинган "Ўзбекистон — дилбар Ватаним (Устоз Абдулла Орипов ҳақида хотиралар)" китоби сўзимизнинг яққол далили. Бу китоб шоирнинг шонли ҳаёт йўли ҳамда сермаҳсул ижодидан сўзловчи гўзал тўпламдир.

Ардоқли шоиримизнинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларини мадҳ этган етук бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ҳамда фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтиришда, ёш авлод тарбиясида аҳамияти беқиёсдир.

Шоир шеъриятидан халқ қалбини, қувонч ва шодлик, армон ҳамда дардларни англаб етасиз. Атоқли ижодкор худди қум барханидан олтин зарраларини саралаб олгандек, бир қарашда оддий, аммо маъно-мазмун жиҳатдан нодир сўзларни топиб, ўрнида ишлатиши билан уларни дилни яйратадиган сеҳрли куй, ажиб бир оҳангга айлатира олди. У юрагидан шу халққа, Ватанга, одамларга меҳр қўйди. Бу меҳр шеърга айланди, шеър эса шоир умрини асрлар оша олиб ўтажакдир.

Ишонамизки, ҳали устоз шоирни эслаб ёзилган хотира китоблари бундан ҳам кўп ва салмоқли бўлажак.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА ЎРНИДА










*("Халқ сўзи"нинг навбатдаги сони 24 март, чоршанба куни чиқади).*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6